ИХТИРОНИНГ ФОЙДАСИ

ФАРҒОНА. Қувасой корхоналарида ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича самарали ишлар қилиняпти. «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида ана шундай таклифлар корхонага бир йилда 23 миллион 618 минг сўмлик даромад келтиради.

Чинни идишлар «Исфайрам» ҳиссадорлик жамиятида рационализаторлик таклифини жорий этиш эвазига 7 миллион 976 минг сўм фойда келтирди, буюмларнинг таннархи арзонлашди. «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятида ҳам ихтирочилик эвазига миллионлаб сўм фойда кўрилмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ

ЯНГИ ҚОТИШМАГА — БУЮРТМА

ТОШКЕНТ. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг рух ишлаб чиқариш корхонасида янги маҳсулот — рух, алюмин, мис (РАМ) қотишмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги маҳсулотни тайёрлашда рангли металл давлат лойиҳалаш институти жамоаси кўмаклашди. Ҳозир корхонада 2 минг тонна РАМ ишлаб чиқарилмоқда. Қўшимча қувватлар ишга тушурилгач, бу рақам 5 минг тоннага етказилади. Маҳсулотга хорижий мамлакатлардан ҳам буюртмалар берилмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ

ЯНГИЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

«ДАМАС» СОВҒА ҚИЛИНДИ

СУРХОНДАРЁ. «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими яқинда «Меҳрибонлик уйи»га «Дамас» автомашинасини совға қилди.

— Бу жамғармамизнинг навбатдаги эзгу ишларидан биридир, — дейди биз билан суҳбатда бўлим раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Хоназар Қурбонов. — Бундай хайрли ва эзгу ишларни яна давом эттирмоқчимиз.

Куни кеча вилоятда «Оймома» боғи — дам олиш маскани ҳам иш бошлади. Бунда вилоят ҳокимлиги ва «Камолот» жамғармасининг келажак авлод ҳақидаги ҳақиқий ғамхўрлиги яққол сезилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 6 июнь, шанба • № 67 (22.304).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россиянинг «ТВ-6-Москва» канали ҳамда миллий телекўрсатувлар ассоциациясининг президенти Э. Сагалаев ҳамда телеканал директори ўринбосари, «Обозреватель» кўрсатуви шарҳловчиси С. Кучерни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари журналистларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти, кўлами, МДҲга оид саволларига атрофлича жавоб берди.

Россиялик журналистлар Президентимиз билан бўлган мулоқот ва юртимиздаги кенг миқёсли ўзгаришлар уларда катта таассурот қолдирганлигини изҳор қилишди.

(ЎзА)

ЭЛ АРО ТОП ЯХШИЛИК...

Муносабат

Кўкдумалоқ газ компрессор станциясининг ишга туширилиши, шаҳри Кешнинг Амир Темур ҳазратлари ордени билан тақдирлангани, Ғўзорда полиэтилен ишлаб чиқарувчи корхонанинг қурила бошланганлигини эшитиб, вилоятнинг улкан саноатлашган марказга айланаётгани, оила бюджети таъминотида муҳим ўрин тутадиган аҳолининг иш билан таъминланиши республика ҳукуматининг Қашқадарё вилоятига кўрсатаётган эътиборидан нишонадир.

Лекин, эътиборни суиистеъмол қилиш, аҳолининг моддий, маънавий фаровонлиги эвазига ўз ҳаловатини устун қўйиш барча даврларда ҳам инқирозга юз тутган. Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳам мазкур масала ўз исботини топди.

Эски Жуванинг шундоқ биқинида бозор бор, яъни ёлланиб ишловчилар бозори. У ердаги куч-ғайратга тўлган ёш-яланглар нинг учдан икки қисми Қашқадарё вилоятидан иш ахтариб -- тўғрироғи пул ахтариб келганларни ташкил қилади. Вилоят ўз йигитларининг қўлидан иш келадиган бўлганида бунчалик сарсон-саргардон қилиб қўйганига сабаб нима? «Бугунги кунда деҳқонларнинг иш ҳақи бўйича қарз 961 миллион сўмни ташкил этди. Саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қўшиб ҳисобласак, вилоят меҳнаткашларига салкам 1,5 миллиард сўмлик иш ҳақи тўланмаган», дея Президентимиз ўз нутқида ва бу саволга аниқ-тиниқ жавоб бердилар.

Эртадан кечгача далада кетмон чопган деҳқон ўз вақтида иш ҳақини ололмаса, у нима қилади? Албатта, иссиқ жойини ташлаб, пул топиш илинжида кимларгадир ёлланиб ишлашга мажбур бўлади. Вилоят эса ишчи кучидан маҳрум бўлади.

Бир гал Отчопар бозорига йўлим тушди. Арава тортиб юрганлар билан суҳбатлашдим. Суҳбат асносида: «Бу ерда ҳамюртлар (қашқадарёликлар демоқчи) кўп экан, қийналмаяпман, ёрдам беришяпти» деди ғурурланиб. «Бир кунда неча пул топасан?» -- сўрайман. «Ҳа, энди 250-300, баъзида 400 топаман».

Ажаб дунё... Минг сўм ваъда қилгандан кўра, бир сўм нақдини берсанг деҳқоннинг дили яйрайдида. Йўқса топган пули ўзининг қорнига етаркан-у...

Вилоят бўйича ҳар минг кишига 3 та маиший хизмат шаҳобчаси тўғри келаркан. Бу нима? Оддийгина соч олдириш учун 333 бўлиб навбатга туриш керак деганими?! Вилоятни оғир аҳволга олиб келган шу каби камчиликлар эмасмикан?

Амир Темур ҳазратлари: бир вилоятнинг аҳолиси қашшоқлашганини билсам ҳокимини жазоладим. Чунки, адолатпарвар ҳоким аввал вилоятини ўйлайди, деганлар.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг қурултойи бўлди. Унда жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотларидан сайланган делегатлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмиталар ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, шунингдек, кўпгина хорижий ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг кейинги беш йилдаги фаолияти натижалари ва ғалдаги вазифалар муҳокама этилди. Жамият раиси Ў. Воҳидовнинг шу ҳақдаги ҳисоботи тингланди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар Президентимизнинг доимий ёрдами туфайли жамият ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланиб, мамлакатда энг нуфузли ташкилотлардан бирига айланиб бораётганини таъкидладилар. Ўтган даврда мазкур ташкилот фаолиятининг барча йўналишларини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Асосий йўналиш аҳолининг эҳтиёжманд табақаларига моддий ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлди. Айни вақтда ёнғинлар, табиий ва бошқа офатлар сабабли зарар кўрган оилаларга жамият томонидан кўмак берилди. Шу билан бирга талайгина хорижий мамлакатлар, хусусан, Эрон, Хитой, Туркия, Россия, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Молдованинг табиий офатлардан зарар кўрган аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Таъкидланганидек, миллий жамият мақомининг олиниши мазкур ташкилотнинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кенгайиши ва халқаро миқёсда эътироф этилишига имкон яратди. 1995 йилда жамият Марказий Осиё мамлакатлари миллий жамиятлари орасида биринчи бўлиб халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари федерациясига аъзо этиб сайланди. Айни вақтда жамият ишида бир қатор камчиликлар мавжудлиги айтиб ўтилди, уларни тезда бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Анжуманда жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми қабул қилинди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раислигига яна Ў. Воҳидова сайланди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

Қурултойда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА)

ЖАНУБДА ОЛТИН БОШОҚЛАР ЕТИЛДИ

НАВБАТ — УНИ НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШГА

Ҳа, тажрибали деҳқонлар бу йил ғалла йили бўлди, дейишгани рост чиқди. Қиш ва баҳорнинг серёғин келганлиги натижасида бепоён ғаллазорларимизда мўл ҳосил етиляпти. Албатта, ғаллакорларнинг фидокорона меҳнатисиз бундай ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмасди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «1998 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш масалалари тўғрисида»ги қарорида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирлар белгиланди. Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Ўздонмаҳсулот» давлат кооперацияси комбайнчилар, транспорт воситалари ҳайдовчилари, ўрим-йиғимда ва дон ташишда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнатига, комбайннинг иш унумига, ўрим-йиғим сифатига қараб ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга оид тавсияларни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва хўжаликларга етказсинлар, дейилган.

Демак, ғаллакорларга моддий-техника шароитлари яратилади, уларнинг даромадлари ҳам ёмон бўлмайди. Шу боис улар айни кунларда ғайрат билан ишга киришмоқдалар.

Куни кеча жанубдан, хусусан Сурхондарё вилоятидан хушхабар келди. Термиз туманидаги «Дўстлик» деҳқон-фермерлар бирлашмаси ғаллакорлари биринчи бўлиб ўз комбайнларини далага олиб чиқишибди. Демак, ғаллага ўроқ тушди. Хўжалик деҳқонлари бу йил 1300 гектар суғориладиган майдонга дон экиб, уни меҳр билан парваришлашди. Далаларда олтин бошоқлар сероб. Дастлабки ўрим натижаси шуни кўрсатдики, хўжалик бўйича ҳар гектар майдондан ўртача 35-37 центнердан хирмон уйиш мумкин.

Ғаллакорлар ишни чуқур ўйлаб, тадбиркорлик билан уюштиришган. Уларнинг мўлжали ҳосилни ҳеч қандай нобудгарчиликка йўл қўймай йиғиштириб олиб, бўшаган майдонлардан унумли фойдаланиш. Шу боис далаларга бешта комбайн, жумладан «Кейс» фирмасининг машинаси ҳам чиқарилган. Элеваторда эса учта дон тозалигич ишлаб турибди. Юк ортиш-тушириш ва транспорт техникаси тўхтовсиз ҳаракатда.

Ғалладан бўшаган майдонларга эса пешма-пеш ҳайдов тракторлари чиқарилмоқда. Бу майдонларга полиз ва озуқабоп экинлар экилади.

Кўп тармоқли хўжаликнинг асосий ишчи кучи фермер жамоаларидир. Ҳозирча улар сони 27 та. Хусусий мулк эгаси эканликларини ҳис қилган деҳқонлар ишга ҳақиқий хўжайинларча ёндашиб аниқ ва унумли ишлаётирлар. Илғор агротехнологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этаётганликлари боис йилдан-йилга ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил олишмоқда. Бинобарин, ўз оилаларига ҳам барака келтиришмоқда.

СУРАТДА: «Кейс» комбайни механизатори Ражаб Бобомуродов, фермерлик звеноси бошлиғи Қодир Комилов ва бирлашма бош ҳосилоти Эргаш Сариев.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

Бу дунёнинг ишлари

ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Афғонистоннинг шимолида ўтган куни кечаси яна ер силкиниши бўлди. Яна тўртта қишлоқ вайронага айланди. Ҳозирча қурбонлар ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ. Халқаро жамоатчилик зилзиладан зарар кўрган 10 минглаб афғонистонликларга тезкор ёрдам кўрсатмоқда. Фалокат юз берган жойга АҚШ иккита қудратли вертолётини жўнатди. Уларнинг ҳар бирида 20 тоннадан юк бор. «Озод Европа» радиосининг хабарига кўра Афғонистоннинг Файзиобод шаҳрига Покистон ва Тожикистондан ҳам ёрдам юклари ортилган самолётлар келмоқда.

ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ КЕСКИН

Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазият ўта кескинлигича қолмоқда. Тоҳар ва Қундуз вилоятларида толибларнинг ҳужум ҳаракатлари кузатилган эди. Бироқ шимолий иттифоқ кучлари уларнинг ҳужумини қайтаришди. Қобул ёнидаги Бадгис вилоятида ҳам қақшатқич жанглар давом этмоқда. «Толибон» ҳаракати раҳбарияти Афғонистоннинг шимолий туманларидаги уруш ҳаракатларини тўхтатишдан бош тортди. Толибларга БМТ мурожаат қилиб, уларни зилзила муносабати билан бу ерда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга даъват этган эди.

Генерал Абдул Рашид Дўстум қўшинлари эса толибларни шимолдаги Бадгис вилоятининг Бола-Мурғоб масканидан қувиб чиқаришди. Шимолий иттифоқ раҳбарларининг Пули-Хумри шаҳрида ўтказган кенгашида барча фронтларда ҳужумни кучайтиришга қарор қилинди.

ЧУҚУР ТАШВИШ БИЛДИРИШДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш бешта давлатнинг ташқи ишлар вазирлари Женевада ўзаро учрашиб Жанубий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солинаётганлиги муносабати билан чуқур ташвиш билдиришди. Бинобарин, Ҳиндистон билан Покистон ядро ва ракета қуроллари пойгасига киришиб кетганликлари наинки Осиёга балки, бутун дунёга таҳдид солиши мумкин. Учрашув иштирокчилари Ҳиндистон билан Покистонни бундан буён ядро синовларини тўхтатиш, қуролланиш пойгасидан воз кечиш ва муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этишга чақиришди.

ЯДРО ТУГМАСИНИ КИМ БОСГАНДИ

Кеча эрталаб Покистон аҳолиси 28 ва 30 май кунлари ядро синовлари пайтида тугмани олти бор босган кишининг исми шарифини билдилар. Белужистоннинг Чагай полигонидаги электрон қурилмаларига масъул киши, атом энергияси бўйича комиссиянинг етакчи муҳандиси Шафикур Раҳмон бу ишни амалга оширди. Раҳмон Покистондаги ядро қуроллари билан шуғулланувчи олимларнинг учинчисидир. Бундан олдинги ўринда атом тадқиқотлари бўйича илмий лаборатория директори Абдул Қодир Хон ва ракетасозлик соҳасидаги етакчи мутахассис доктор Самар Муборак туришибди. Синов пайтида Раҳмон ўзининг тўрт ёрдамчиси билан «Ишончли идорада» жойлашиб олишганди, 450 метр чуқурликда эса бешта ядро заряди синовдан ўтказилди. Олтинчи портлаш эса 650 метр чуқурликдаги шахтада амалга оширилди. Самар Муборакнинг айтишига кўра, шахталар қурилишида олимлар, геологлар ва муҳандислардан ташқари беш мингдан зиёд ишчи ҳам қатнашди.

ХАВЬЕР СОЛАНА МАМНУНИЯТ ИЗҲОР ҚИЛДИ

НАТО Бош котиби Хавьер Солана Греция билан Туркия вакиллари музокаралар пайтида 1988 йилдаги меморандум қоидаларига амал қилишга рози эканликларидан мамнуният изҳор қилди. Бу ҳақда кеча Брюсселда тарқатилган НАТО Бош котибининг баёнотида айтилади.

ЭҲТИЁТКОРЛИК ЧОРАСИ КЎРИЛДИ

Германияда юз берган темир йўл ҳалокати натижасида камида 94 киши ҳалок бўлди ва 200 киши оғир жароҳат олди. Мюнхен-Гамбург йўналиши бўйича қатнайдиган экспресс поезди соатига 200 километр тезликда кетаётганда изидан чиқиб кетди ва кўприкнинг устунига урилди. Кўприк вайрон бўлди. Барча 13 вагон эса темир тоғига айланди. Шу боис ҳам Германия бундан буён тезкор поездлар ҳаракатини тўхтатишга қарор қилди. Чунки ушбу ҳалокат мамлакатнинг урушдан кейинги бутун тарихи давомида энг катта фожиа эди.

ЛОЙИҲА УЧУН 24 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Жаҳон банки Тошкентдаги қаттиқ чиқиндиларни бартараф этиш лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистонга заём тариқасида 24 миллион доллар маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жаҳон банкининг баёнотига кўра, ушбу лойиҳага биноан қаттиқ чиқиндиларни бартараф этиш, хизмат кўрсатиш, сифатини яхшилаш ва ушбу соҳанинг техник, молиявий ва маъмурий жиҳатдан такомиллаштириш имконияти юзага келади.

Лойиҳанинг умумий нархи 56 миллион доллар бўлиб, унга жаҳон банки 24 миллион, Ўзбекистон ҳукумати 11 миллион доллар, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки 21 миллион доллар ажратадиган бўлди. Ушбу маблағлар турли йўналишдаги аҳлат чиқиндиларини жойлаштириш учун махсус жойлар бунёд этиш, хизмат кўрсатиш тизимини қайта қуроллантириш, кўп қаватли уйлардаги тартибни сақлаш ва бошқа мақсадларга ишлатилади.

Оҳангарон катта йўлидаги аҳлат ташланадиган жойлар тартибга келтирилади, бу ерда чиқиндиларни узоқ муддат сақлаш имконини берадиган объектлар бунёд этилади. Транспорт паркини тараққий эттиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Туманлардаги мавжуд хизмат кўрсатиш марказлари такомиллаштирилади ва йирик таъмирлаш ишларини бажариш учун марказий устахоналар бунёд этилади.

«Махсустранс» банки ёрдамчи қурилмалар ва аҳлат ташувчи машиналар билан таъминланади. Умуман бу ердаги автомашиналар сони 620 тага етади. Шаҳардаги аҳлатхоналар умуман ёпилади. 2000 йилда Зангиота ва Ҳасанбойдаги аҳлатхоналар ҳам ўз фаолиятини тўхтатади. Атроф-муҳит муҳофазасига эътибор кучайтирилади бу ишларга аввал ажратилган техника воситалари эндиликда Оҳангарон катта йўли бўйидаги аҳлатхоналарга жалб этилади. Умуман олганда шаҳарда тўртта махсус станция ишга туширилади. Бу станцияларнинг ҳар бирида кунига бир неча ўн минг тонналаб хўжалик, тижорат ва ишлаб чиқариш чиқиндилари қайта ишланади. Биомедицина чиқиндиларини қайта ишлайдиган объектлар ҳам бунёд этилади.

Ўзбекистон жаҳон банкига 1992 йилда аъзо бўлганидан бери банк Ўзбекистондаги олтита лойиҳага 351 миллион доллар ажратди.

«Интернет» тизими хабарлари асосида

ҚАНТАРИЛГАН ВАГОНЛАР

ёки ана шундай вагонлар учун миллионлаб маблағларни кўкка совураётган ҳотамтой раҳбарлар хусусида

Фарғона-- 2 станциясининг бошлиғи Жалол Мирғиёсов эрталаб иш хонасига кириб келганда, ним қоронғу эди. Чироқларни ёқдию, аммо кўнгли ёришмади. Буюртмага кўра, юборилган қўш вагонларга салат ёғи кунжара ва атир совунларни ҳали ҳам юклашмабди. У телефон трубкасини кўтариб таниш рақамларни тера бошлади.

-- Алло, ёғ комбинатими?

-- Ҳа, нима эди, -- деди корхона раҳбари Усмонов.

-- Бундан икки кун аввал номингизга юборилган бўш вагонларга юкларингизни ҳали ҳам ортмабсизлар!

-- Хўш, нима қилибди?

-- Ахир, буюртмаларингиз бўйича вагонларни юборганимизга икки кундан ошяпти.

-- Нима, вагонларни биров кўтариб кетяяптими? Бунинг устига, вагонлар бўш турадими, йўқми, ҳар бир дақиқасига жарима тўлаб қўйган бўлсак.

Мирғиёсов тутоқиб: -- бели оғримас пулни тўлайвериб, одатланиб қолгансизлар. Энди бу сафар жаримани ўз чўнтагингиздан тўлашга мажбур қиламиз. Сабаби, ўтган йили ҳам 269 та вагон-контейнерга юк ортиш ва 1071 та вагондан юк тушириш ишларини 4471 соат пайсалга солиб, уларни ҳеч бир сабабсиз ушлаб турганларингиз учун 363 минг 371 сўм жарима тўлагандингизлар. Жорий йилнинг январь ойида эса 942 та

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

вагонни 8477 вагон-соат «қантариб» қўйилгани учун жаримани ҳам ўз киссангиздан ундириб оларканмизда! Бу ҳам етмагандек, 13 ойда тўланадиган жаримангизга «рекорд» кўрсаткичига етди. Яна февраль ва март ойларида бекор туриб қолган ҳар бир вагон уч ярим соат ўрнига 39 соату уч минутни ташкил этмоқда.

Фарғона нефть тайёрлаш базаси бошлиғи Зокир Андопўлатов ҳам ҳотамтойликда Усмоновдан қолишмайди. У ўтган йили 154 та вагондаги нефтни ўз вақтида тушириб олмай, ҳаш-паш дегунча 902 минг 702 сўм жаримани кўзини чирт юмиб тўлаб қўйди. Биргина шу йилнинг январь ойида эса 83 та вагонни 215 вагон-соат «дам олдиргани» учун ундан яна 53 минг 607 сўм ундириб олишга тўғри келди.

Қўшни металлом (Чермет) бирлашмаси бошлиғи Эркин Абдуллаев ҳам 162 та вагонни 281 вагон-соат маҳтал қилиб қўйганлиги учун 25 минг 869 сўмга тушди. Худди шунингдек, дон маҳсулотлари тайёрлаш базаси бошлиғи Абдураҳим Холматов 5225 сўм, КСК қурилиш-монтаж бирлашмаси бошлиғи Анвар Раҳмонов 7200 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Халқимизда «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деган нақл бор. Бу бежизга айтилмаган. Чунки, юқорида номлари таъкидланган раҳбарлар ана шу жаримани корхона ҳисобидан эмас, балки ўзларининг чўнтакларидан тўлаганларида эди, бундай лоқайдликка йўл қўйишмаган бўларди. Хўш, бунга жарима деса заррача пинагини бузмайдиган раҳбарлар нима дейишаркин?

Т. ҲАМИДОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири

Таълим ва ислоҳот

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ САРИ

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва маданияти, замонавий фан, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантиришга йўналтирилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» аниқ мақсадларга қаратилган.

Институтимиз республика аграр секторида амалга оширилаётган илмий-техникавий ислоҳотларни рўёбга чиқарадиган кадрлар тайёрловчи таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 август қарорига кўра, институтимизда «Замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш учун муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш» бўйича ўқув маркази ташкил қилиш ишлари якунига етиш арафасида турибди. Марказ раҳбари доцент Х. Ибрагимов Германияда малака ошириб келди. Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалигига кенг кўламда «Кейс» фирмаси техникалари кириб келди. Бунинг устига марказда қишлоқ хўжалик техникалари учун «Камминс» моторлари тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Эндиликда улардан фойдаланишни ташкил қилувчи кадрлар тайёрлашни ўйлаб марказ фаолиятини шу талаб асосида ташкил этяпмиз.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришдаги яна бир муҳим вазифа -- иқтидорли ёшлар билан ишлаш, улардаги истеъдодни ривожлантиришдир. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, унда ҳар бир иқтидорли талабага профессор-ўқитувчилар бириктириб қўйилган. Келажакда илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик йўналишларга мойиллиги бор талабалар 3-босқичдан вазирлигимиз тасарруфидаги илмий муассасалар, корхона ва ташкилотларда амалиёт курсларини ўтишлари, курс ва диплом ишларини бажаришлари, илмий изланишлар олиб боришлари белгилаб қўйилган. Қишлоқ хўжалик фанларини ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан қаратилган эътибордан келиб чиққан ҳолда, иқтидорли ёшларнинг фан соҳасига қизиқишини ошириш борасида вазирлигимиз тасарруфидаги олий ўқув юртларини битирувчилар ва келажакда илмий соҳада ишлашни хоҳлаган ёшлар билан ўтказилган учрашув муҳим омил бўлди. Унда институтимизни битирувчи иқтидорли ёшлардан 12 нафари ўзлари танлаган соҳада таълим олишни давом эттириш хоҳишини билдиришди.

Сир эмаски, кўпчилик иқтидорли ёшларимиз чуқур касбий ва фундаментал билимга эга бўлсалар-да, чет тили ва компьютер саводхонлиги бўйича етарли билимларга эга эмаслар. Бу эса уларнинг келажакда навбатдаги таълим босқичларида хорижий ва дунёвий, илм-фан ютуқларини эгаллашида тўсиқ бўлмоқда. Шу боисдан иқтидорли ёшлар билан чет тили ва компьютерни ўрганиш бўйича қўшимча курслар ташкил қилдик.

Бу борада институтимиз АҚШнинг Айова ва Висконсин университетлари билан биргаликда АҚШ ахборот агентлиги томонидан маблағ билан таъминловчи 3 та грант ғолиби бўлиб чиқди. Шунингдек, жамоамиз 1997 йилда USAID томонидан ташкил қилинган BASID халқаро лойиҳа бўйича танловда қатнашиб, грантли ўринни эгаллади. Лойиҳага кўра, институтимиз 4 йил давомида АҚШнинг 16 та нуфузли илмий муассасалари ва университетларини ўз ичига олган Халқаро консорциумда қатнашиб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, ердан унумли фойдаланишни таҳлил қилиш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқади.

Маълумки, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини янги босқичга кўтаришни кўзда тутади.

Таълим соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш кўп жиҳатдан уни маблағ билан таъминлашга боғлиқ. Бу борада қўшимча маблағ манбаларини излаш бугунги кун талабидир. 1997 йили шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш, пуллик қисқа курслар ташкил этиш, пуллик хизмат кўрсатиш, шартномалар асосида илмий-тадқиқот ишларни бажариш, халқаро дастурларда иштирок этиш, корхоналар ва фирмалар билан ҳамкорликдаги фаолиятидан институт ҳисоб рақамига анчагина маблағ кирим қилинди. Бу маблағлар институтнинг ўқув базасини мустаҳкамлашга, ўқув методик таъминотга, компьютерлаштиришга, ўз ичига спорт ўйинларининг барча турини мужассамлаштирган спорт мажмуасини қуришга, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширувчи профессионал ўқитувчиларимизни, ходимларимизни ва талабаларимизни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади.

Институт жамоаси ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратган.

Абдураҳмон РАЖАБОВ,
Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректори вазифасини бажарувчи

Ислоҳот ва масъулият

КАОЛИН ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Мамлакатимизда 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир заҳиралари мавжуд. Уни қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари билан «Кўмир» акционерлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир бор.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер кукуни (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади. Айниқса, қазиб олинган ва бойитилган каолин чинни, фаянс, сопол буюмлар, ўтга чидамли қурилиш ғиштлари, қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ҳамда бошқа мақсадларда ишлатиш учун фойдаланилади.

Яқинда Ангрен кўмир конида каолинни майдалаш ва саралаш фабрикаси ишга туширилади. Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ушбу корхона хориж бозорларига 20 минг тоннадан ортиқ сифатли каолинни экспорт қилиши кўзда тутилган. Келгуси йилда эса бу кўрсаткич юз минг тоннадан ортади.

-- Яна бир афзал жиҳати шундаки, Ангренда яна бир -- каолинни бойитиш фабрикаси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда, -- дейди биз билан суҳбатда «Кўмир» акционерлик жамиятининг маркетинг ва маҳсулотларни экспорт қилиш бўлими бошлиғи Саидолимхон Аҳрорхўжаев. -- Бу корхона ҳам ишга тушгач, 120-200 минг тонна бойитилган бирламчи каолин ишлаб чиқарилади ва хорижга сотилади. Бу мамлакатимиз иқтисодиётига йилига 34 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда келтиради демакдир. Ушбу қурилишда бизга Германиянинг «Берлинер» банки ўз сармояси билан ёрдам берди.

Иккиламчи каолинни шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатимиздаги «Олмалиқ гишт», «Кварц», «Оҳангаронцемент» ва бошқа қўплаб корхоналарга етказиб бермоқчимиз. Ҳозирданоқ, ушбу корхоналар билан шартномалар тузилган.

Мақсадимиз кўмир қазиб олиш ва уни қайта ишлаш жараёнида олинаётган турли хилдаги саноатбоп маҳсулотларни нафақат Ўзбекистондаги мижозларга, балки хорижлик шерикларга ҳам етказиб беришдир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Менда таклиф бор

МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИК МИНОРАСИ ҚУРИЛСА...

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон мустақиллиги тикланиб, ўзбек халқининг кўкрагига шамол ва елкасига офтоб тегди.

Ўзбекистон халқаро даврада мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат сифатида муносиб ўринни эгаллади. Унинг шонли байроғи жаҳон курраси ида ҳилпираб турибди.

Мустақиллик туфайли, Ўзбекистонда буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Камина тарихчи сифатида республикадаги ўзгаришларни узоқ ва яқин даврларга таққослаб чиққанимда, уларга ўхшайдиган ва тенг келадиганини учратмадим. Тўғри, ўтмиш замонларда ҳам қудратли давлатлар ва тараққиёт бўлган. Бироқ, бу даврларда ҳукм сураётган тайёр сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизим ривожлантирилиб, тараққиётга эришилган. Бунга етишиш учун даставвал минглаб кишиларнинг қони тўкилган, вайронагарчиликлар ва талофатлар кўрилган. Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши эса кўз ўнгимизда талофатсиз амалга оширилди. Иккинчидан, бизнинг замонимиздаги мустақиллик ва озодликнинг моҳияти ва йўналиши ўзгача бўлиб, қарамлик ва тоталитар тузумни, хусусий мулксиз, эркин савдо-сотиқсиз, динсиз ва миллий маънавиятсиз жамиятни бартараф этиб, халқ манфаатларини том маънода таъминловчи тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимни бунёд этишдан иборат бўлди. Бу борада босқичма-босқич катта ютуқларга эришилмоқда. Зеро, миллий давлат ва қўшин, миллий парламент, байроқ, герб ва мадҳия баробарида сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар юзага чиқди. Ҳуқуқий давлат ва демократиянинг замини тобора мустаҳкамланмоқда.

Ахир, оламшумул аҳамиятга молик бундай ўзгаришлар билан ғурурланмай бўладими? Уларнинг барчаси, биринчи навбатда, мустақиллик ва озодликнинг тикланиши маҳсулидир.

Шундай экан, унинг тарихий аҳамияти ва шоншуҳратини абадийлаштириш зарурияти туғилади. Мана шу масалага кенг жамоатчиликнинг диққатини тортиш мақсадида мазкур таклифимни баён этишга жазм этдим.

Маълумки, ўтмиш замонларда у ёки бу даврнинг руҳи, куч-қудрати ва салоҳиятига монанд равишда ҳашаматли биноолар, миноралар қурилган. Уларнинг энг қадимийси 1127 йилда Бухорода қад кўтарган Минораи Калондир. Бу ажойиб ва ғаройиб обида кўп асрлик умри мобайнида кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. У кишиларга тетиклик, ғурурланиш ва фахрланиш, умид ва ишонч сингари ҳиссиётларни бахш этиб, зиёратгоҳга айланди.. Айни пайтда юксак санъат намунаси сифатида ҳам маънавий озуқа бермоқда.

Минора сиртдан қараганда бир оддий тарихий обида сифатида кўриниши мумкин. Бироқ, амалда унинг маъноси ва аҳамияти кенг қамровли бўлиб, муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тимсоли ҳамдир.

Шу боис мен Тошкент шаҳрида, сўнгра вилоят марказларида Ўзбекистон мустақиллигини абадийлаштирувчи осмонўпар ва ҳашаматли замонавий миноралар қуришни таклиф этаман. Бундай миноралар деворига 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлигига бағишлаб, Олий Мажлис тасвирини ўрнатиш айни муддаодир. Юз ва минг йиллар ўтиб кетаверади, лекин, мустақиллик минораси биз яшаётган ажойиб замоннинг «жонли» гувоҳи сифатида мағрурона бўй чўзиб тураверади.

Шахсан Президентимиз бошчилигида Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. Шунга монанд равишда Президентимизнинг раҳбарлигида мустақиллик минораси ҳам қурилса, у асрлар оша миннатдор авлодларнинг муқаддас ва зиёратгоҳ жойига айланган, нур устига нур ёққан бўларди. Ҳозирданоқ, бир тасаввур қилайлик: мана, кўз ўнгимизда қурилиш ва меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида қурилган, ғўзалликда тенги йўқ мустақиллик минораси улуғвор гавдаланиб турибди. Унинг чўққисида эса республика байроғи ҳилпирамоқда. Ахир, бундай ажойиб ва ғаройиб обида билан ғурурланмай, фахрланмай, ҳайратланмай бўладими? Чунки минора мустақиллик ва озодликнинг, яъни буюк тарихий воқеанинг тимсоли сифатида Ўзбекистон шоншуҳратини жаҳон узра таратади. Айни пайтда ўзбек халқининг довруғи, куч-қудрати ва нималарга қодирлигини яна бир бор намойиш этади.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор

«Урганч ёғ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг совун пишириш заводида ишлаб чиқилиб, жорий этилган янги технология 200 миллион сўмдан зиёд иқтисодий самара беради. Гап шундаки, бу ерда импорт маҳсулотини алмаштирадиган зарур хомашё -- олеин ва пальмитин олиш имконини берадиган қурилмалар ўрнатилди.

Бундан икки йиллар аввал ҳам халқ хўжалиги учун ўта қимматбаҳо ҳисобланмиш ушбу моддалар хорижий давлатлардан катта валюта маблағлари эвазига олиб келинар эди. Олеин резинотехника, парфюмерия, лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Пальмитин эса кир ювиш воситалари -- совун ва шампун тайёрлашда ўта зарур.

Хорижда ушбу хомашёлар нефтни қайта ишлаш пайтида синтетик усул билан олинади. «Урганч ёғ»да эса улар пахта ёғи олиш жараёнидаги чиқиндилардан ҳосил қилинади. Натижада, эндиликда бундай моддаларни чет элга экспорт қилиш имконияти юзага келди.

СУРАТДА: янги технология муаллифи -- Урганч совун пишириш заводи директори Ҳайитбой Ортиқов ҳамкасблари билан. Унинг ишланмалари мамлакатимизнинг бошқа ёғ-мой корхоналарида ҳам жорий этиш учун тавсия қилинди.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

РОССИЯ ЧЕГАРАЧИСИ ЖАҲОНГА МАШҲУР

ЕТТИ ЮЗ КИШИ СИНИЛЬ

Тезоқар дарё йиртилган қоплардан оқ кукунни ювиб, оқизиб кетарди. Қутқарувчилар ҳам, қутқарилиб қолганлар ҳам «Синиль кислотаси билан иккинчи даражада заҳарланган» деган ташҳис билан шифохонага тушди.

Жабрдийда кишилар ҳамон шифокорларга мурожаат қилишмоқда. Энг муҳими шундаки, ҳаммадан кўпроқ болалар заҳарланган....

1-тоифа ҳайдовчи Муртазиннинг кайфияти яхши эди. Рейс ниҳоясига етай деб қолган. «Қумтор оперейтинг» олтинни қайта ишлаш заводигача 70 километр қолган. Кабина ортидаги контейнерда пластик қопларда ажал келтирувчи кимёвий модда — 20 тонна цианид натрий борлигини ҳам унутиб, қувноқ куйни ҳуштак қилиб чала бошлади. Тупроқ йўл баландликка кўтарилар ва Барсқаун дарёси кўпригига бурилишда тугар эди. Шу ерда у тезликни камайтириши лозим эди, лекин Муртазин океан ортида ишлаб чиқарилган юк машинасининг тормоз тизимига ишонар эди. Америкада тайёрланган шиналар остида шағал хавфли шилдирай бошлади ва кўп тоннали машинанинг радиатори йўл четидаги тўсиқ сифатида ўрнатилган устунга бориб урилди. Орқадан зарб эшитилди — иккинчи юк машинаси оғир контейнерни зарб билан туртиб юборди ва...

Бир дақиқа ичида машина тоғ дарёсига ағдарилди. Етиб келган ҳайдовчилар муздек сувдан бечора касбдошларини тортиб ола бошладилар. Тоғ дарёси оқими кабинани салгина кўмиб турар, лекин уммон ортида тайёрланган алюминий шу қадар эзилиб кетган эдики, Муртазинни қутқариш учун бир неча соат вақт кетди. Контейнернинг бузилган эшигидан аччиқ тутун чиқа бошлаганини ҳеч ким сезмади. Йиртилган қоплардан оқ кукунни сув ювиб кета бошлади. Бир неча соатдан сўнг қутқарувчилар, қутқарилган шофёр ҳам «Синиль кислота билан 2-даражали заҳарланган» деган ташҳис билан касалхонага тушди.

ИССИҚКЎЛ КАСАЛИ

Барсқаун дарёси оғир юк ташийдиган машина авариясга учраган жойдан 12 километр масофада бутун дунёга машҳур бўлган Иссиқкўлга қуйилади. Кўлнинг кўркам соҳилларида бир вақтлар иттифоқ аҳамиятга эга бўлган кўп сонли санаторийлар ва дам олиш уйлари жойлашган. Кўлда хонбалиқ ҳамда балиқларнинг бошқа қимматбаҳо турлари жуда кўп. Шўх дарё тоғдаги воҳага ажални олиб келаётган эди.

Шу дарё номи билан аталган қишлоқдан 8 яшар Жонибекка ҳали сув совуқ деб, ота-онаси кўлда чўмилишни тақиқлаб қўйди. Лекин у сувга тош отишни яхши кўрарди ва шу сабабли тошлоқ қирғоққа келди. Сувда чавоқларнинг оппоқ қорни кўринди. «Бир, икки, уч», — кичкина Ирнат сув бетига қалқиб чиқаётган балиқларни санашга улгурмай қолди. Саноқ 30 га етганда, боланинг томоғи қичишиб, у бўғила бошлади. Кўзлари қизариб кетди. Уйга зўрға етиб олди. Ташвишга тушган она нима қилишини билмай, қўшнилар ҳузурига югурди. У ерда ҳам фалокат юз берган экан. Уй бекасининг қизи баданига майда қизил яра тошиб, нафаси бўғила бошлаган. Кўп ўтмай, катталарда ҳам заҳарланиш белгилари пайдо бўлди. Қишлоқ касалхонасига югуришди. Маҳаллий шифокор нима бўлганини аниқ айтиб бера олмади, лекин номаълум эпидемия бошлангани ҳақида туманга хабар қилди.

АЧЧИҚ БОДОМ

Цианид натрий ортилган контейнер Барсқаун дарёсига 20 май куни соат 12 дан 10 минут ўтганда ағдарилди. 1762 килограмм кукун сувда эриб кетди. Лекин беш соат ўтгандан кейин ариқлардаги сув заҳрлангани ҳақида қишлоққа даҳшатли хабар келди. Яхши ҳамки, бир кун олдин ариқлар тозаланган ва улардаги сув ҳали лойқа эди. — Бундай сувни ҳеч ким ичмайди. «Режага мувофиқ ариқлар тозаланмаганда эди, сувни ғамлаб қўйишмас, бевосита каналдан олиб истеъмол қилишар эди», — дейишди менга шифокорлар. Аммо заҳарланган сув билан далалар, моллар суғорилди. Дарадан аччиқ бодом ҳиди анқий бошлади.

Россиялик чегарачи — подполковник Сергей Кучеренко бу ҳидни яхши билади. Бир вақтлар хизмат тақозоси билан у қўл остидагиларга заҳарловчи моддаларни фарқлашни ўргатган эди. У фалокат юз берганини сезиб, тоғ заставасидан қайтиб келаётган чегарачилар колоннасини тўхтатди ва «хавфли модда» белгиси туширилган ағдариб ётган контейнерни кўрди. Ағдарилиб кетган состав атрофида олтин қазиб чиқариш корхонаси хавфсизлик хизматининг противогаз кийган ходимлари уймаланишарди. Подполковник ёрдам таклиф этди, лекин пиротивогаз кийган кишилар: «Ҳамма нарса назорат остида, йўлингиздан қолманг» деб уни хотиржам қилишди. Сергей Кучеренко рация орқали навбатчи билан алоқа ўрнатиб, унга вазиятни маълум қилди. Шу тариқа даҳшатли хабар ошкора бўлди. Республиканинг куч билан боғлиқ тузилмалари ҳодиса юз берган жойга мутахассисларни юборишди. Кечга бориб қишлоқ ўраб олинди. «Тез ёрдам» карвонлари заҳарланган одамларни қўшни туманлар марказларидаги шифохоналарга таший бошлади. Энг оғир беморлар вертолётларда Бишкекка жўнатилди. Миллий хавфсизлик вазирлиги ва Фавқулодда ҳодисалар бўйича вазирлик ходимларининг шошилинч ҳаракатлари туфайли қурбонлар бўлмади. Қишлоқда ариқлардан сув олиш тақиқланди. Сув цистерналарда тоғдаги булоқлардан келтирилмоқда. Барча сабзавот ва меваларни истеъмол қилиш тақиқланди.

ҚАНДАЙ ҚУШ ИССИҚ-КЎЛГАЧА УЧИБ БОРА ОЛАДИ...

Маҳаллий шифохонадаги тиббиёт ходимлари бошларини чангаллаб қолишди: тиббиёт институтларида бундай ҳолатларда қандай иш тутишни ўргатишмаган. Улар туни билан кимё ва ҳарбий ишга доир дарсликларни ўқиб чиқишди. Барсқаун қишлоғида заҳарловчи модда таъсирини йўқ қиладиган дори-дармоннинг ўзи йўқ эди.

Маҳаллий аҳоли номаълум касаллика қарши дори беришни талаб қилиб, касалхонани қуршаб олди. Тартибсизлик бошланиши турган гап эди.

— Мен дарс беришга бордим ва бирдан бошим айланиб кетди, — деб ҳикоя қилади физика ўқитувчиси Каликан Жакилова, мен уни Қоракўл тумани касалхонасига бориб кўрдим. — Тиббиёт пунктига зўрға етиб бордим ва у ерда полга йиқилдим. Врачлар мендан қон олишди, қоним қопқора ва сирач каби қуюқ эди. Томиримга томчилатиб дори қуйишди ва «тез ёрдам» машинасида туман марказига олиб кетишди. Кўп ўқитувчилар ва ўқувчилар синфхоналарда ҳушидан кетиб йиқилганини кейин билдим. Врачлар тезда тузалиб кетишимни айтишяпти, лекин мен уларга ишонмайман. Чернобилда ҳам шундай дейишган эди.

Аммо заҳардан биринчи бўлиб ҳайвонлар шикастланди. Расмий хабарларда иккита сигир ва иккита ит ўлгани айтилди. Шоҳидлар менга кўп хонадонларда итлар ва мушуклар ўлганини айтишди. Парранда-лар ерга қулаб, чангда типирчиларди. Кейин уларнинг танасини болалар копток қилиб тепиб ўйнашарди.

Бу қилмишлари учун болалар қаттиқ жазо тортишди. Уларда ҳам заҳарланиш белгилари пайдо бўлди. Касалхонада мен бебахт онани учратдим: унинг баданига ҳеч нарса тошмаган бўлса ҳам, беш ойлик ўғилчасининг бутун бадани доғ билан қопланган эди. Бу касаллик она сути орқали ўтган. Расмий маълумотларга қараганда, авариядан 680 киши жабрланди, шундан 70 киши касалхонага ётқизилди. Лекин заҳарланган одамлар шу кунларда ҳам касалхоналарга мурожаат қилмоқда.

«КП» маълумотномасидан: натрий цианид — рангсиз кукун. Саноатда маъдандан олтин ва кумушни ажратиб олишда ишлатилади. Сувда тез эрийди ва парчаланиб синиль кислота ва ишқорга айланади. Синиль кислота — кучли заҳар. Бир литр ҳавода 0,4—0,7 мг/л бўлса, бундай ҳавода нафас олган одам икки дақиқа ичида ўлади. Ҳавода синиль кислота миқдори бундан кўп бўлса, инсон дарҳол ҳалок бўлади.

Заҳарланиш белгилари — оғиздан металл таъми келади, бош айланади, бош оғрийди, бўшашиш, кўнгил айнаши бошланади, нафас

1 2 3 4

ДУНЁ ВА АДАБИЁТ

Рауф ДЕНКТАШ -- қибрислик машҳур давлат арбоби сифатида дунёга танилган. Аммо унинг ёзувчи эканлигини кўпчилик билмаса керак. У 1924 йилда туғилган, Қибрис оролидаги гўзал Баф шаҳрида инглиз мактабини битиргач, Лондонда ҳуқуқшуносликдан таълим олган. У юртига қайтаркан, оролдаги ҳуқуқсизлик, адолатсизлик, кучсиз кишиларнинг ҳар ёқлама эзилишини кўриб, уларни тузатиш йўллари ҳақида мақолалар ёзади, китоблар нашр эттиради. Ўз тушунчаларини ҳаётга татбиқ этиш учун турли миллий ташкилотлар тузади, партияга бошчилик қилади. У тинимсиз курашлар, ўз халқининг бир неча ўн йиллардаги орзусининг юзага чиқиши натижасида 1983 йилда тузилган мустақил Шимолий Қибрис жумҳурияти Президенти этиб сайланади. Бугунгача шу ишни бажариб келмоқда.

Рауф Денкташнинг бир неча адабий ва публицистик китоблари бор. «Саодат сирлари» (1941), «Оташсиз жаҳаннам» (1944), «Энг ёмон айғоқчи» (1953), «12 га 5та қолганда» (1965), «Акритас режаси» (1972), «Қисқача Қибрис тўғрисида» (инглизча, 1972), «Қибрис муаммолари» (инглизча, 1973), «Қибрис учбурчаги» (инглизча 1981), «Ёшлар билан юзма-юз» (1981), «Қурбондан илҳомланиб» (1986), «Ёшларга ўгитлар» (1988) шулар жумласидан.

Инсон қачон ва қаерда яшамасин, бахтли бўлиш ҳар кимнинг орзуси. Бахтли яшаш не ўзи? Бунга ҳар файласуф, ҳар ёзувчи ўзича жавоб беради. Рауф Денкташнинг «Саодат сирлари» китоби шу ҳақда.

ТАРЖИМОН

Рауф ДЕНКТАШ

САОДАТ СИРЛАРИ

(Китобдан парчалар)

Саодат маънавийдир:

Бахтни киши руҳи билан англайди, тўғриғоғи, бахтни руҳ яшайди, тана эмас.

Келинг, ҳаётдан завқ олиш тўғрисида бир оз ўйлайлик. Яшаш бошдан-оёқ бир шеър, ҳар онда манзараси ўзгарадиган бир тасвирий санъат асари, қисқаси, рангли, оҳангли бир борлиқ. Ишонмасангиз, кўзингиздан шу қора кўзойнакларни олинг, кўнглингизни қоплаган кундалик тирикчилик васвасалари тўла пардаларни кўтаринг ва тўрт ёғингизга боқинг. Бир чумчуқнинг нашъаси, бир чумолининг мақсадли бир йўлдан боришкелиши, узоқларда чуғурлашаётган болакайларнинг қайноқ товушлари, қаршингиздаги шу тепаларнинг яшиллиги, анави кичкинагина булоқнинг жилдираб қайнаши, оқиши, булутларнинг тинимсиз шаклини ўзгартириши, ой йўлчилигига отланаётган астронавтларнинг ҳайбати, анави елканли кема, анави улкан учоқ, мана шу мовий денгиз, кўм-кўк кўк юзи, юлдузлар, ой, далалардаги ранго-ранг чечаклар ва яна нелар!.. Буларни томоша қилишга, завқ олишга вақтингиз етишмаганини айта оласизми? Йўқ. Ўйланг, шуларни томоша қилишга, яшашдан завқ олишга вақтини айирган қанча киши бор экан орамизда? Ҳа, Тангрининг кишилик учун яратган шу ғўзалликларини кўриб, кўнгли очилиб, бу учун Тангрига шукур этган қанча одам бор экан ичимизда?

Атрофимиздаги бу муҳташам манзарани кўрмасдан, ҳис этмасдан яшаётганлар -- ўз танасини ўлимга судраб бораётган судралгичларга ўхшайди. Оллоҳ бизга ҳаёт берган. Яшашдан шавқ, бахт туйиш учун эса ақл берган. Кундузнинг чарчоғини чиқариш учун тунни яратган... ва яна бизлар учун чексиз имконлар яратилган. Бу инсонлар, инсонлик тўла ҳаётни яшамоқ керак. Яшаш оддийгина бор бўлиш эмас. Ҳис этиб, ўйлаб, тақдирлаб, шукр айлаб, завқ олиб яшаш керак.

Яшаяпсизми? Стюарт Чейз бу сўровга шундай дейди: «Бирор нарсани ясаркан, ёки расм чизаркан ёхуд бир хонада кутубхона яратаркан, бирор назария устида тинимсиз ўйларкан, яшаётганини ҳис қилади киши. Шеър ўқирканман, яхши бир китобни варақларканман, ён-веримдаги юксак уйлар ва айниқса, улкан, муҳташам кўприкларни томоша этарканман, яшаётганимни англайман. Севги, дўстлик мени яшатади, яшартиради. Гўзал суҳбат, ўринли тортиқ, янги тушунчалар менга завқ беради, ҳаётда эканимни ҳис эттиради. Можаро ва таҳликалар менга яшаётганимни эслатиб туради. Қайғу, аламлар ҳам яшашимнинг эслатгувчиларидир. Очиқ ҳавода айланиш, югуриш, сузиш, қайиқ ёки машина ҳайдаш, барчаси яшамоқ демакдир. Очиққанда тотли бир емак ейиш, чарчаганда булоқдан қона-қона сув ичиш, қониб ухлаш, кўнгилдан келган туйғулар-ла ич-ичдан кулиш -- мен учун яшаш шудир».

Ана энди ўз-ўзингизни бир назорат қилинг. Охирги 24 соатнинг неча соатини «Яшадим, шукр» дея биласизми? Ҳа, 24 соатнинг неча соатини яшамоқдамиз? Қанчасини бўш, пуч нарсаларга қурбон этмоқдамиз?

«Яшамоқ» ўлчовингиз недир? Ўзингизни қачон яшаяпман дея ҳис қиласиз? Бу сўроқларга жавоб ёзиб, ўз-ўзингизни назорат этинг, яшамоқ тарзингизни билим билан, текшириш, солиштириш воситасида ўрганинг, унутманг: ўтган соатлар ҳеч қачон қайтмайди. Яшаш соатларини кўпайтириш ўз қўлингизда.

***

Саодатнинг тамали тўғрилик, яхшилик, иймон, Оллоҳ севгиси ва Оллоҳдан қўрқишдир, деган эдик. Шундай кишилар борки, «Тўғриман, яхшиман, яхшиликдан бошқа бир иш қилмайман, кимсага ёмонлигим йўқ, бироқ ҳеч ишим юришмайди, толесизман» дея ҳасрат қилгани-қилган. Буларга тавсиям шу: ўз-ўзингизни чуқур ўрганинг. Бахтсизлигингизнинг сабабини яна ўзингиздан топасиз. Балки сиз «тўғри, яхши» одам эканлигингизга ишонасиз, шундай ўйларсиз, аммо ҳақиқатан, мутлоқ суратда сиз тўғри ва яхшимисиз?

Энди қаламни қўлингизга олинг-да, яхшилаб ўйлаб, охирги 24 соат ичида уйингизда ёки ишингизда, ёхуд бўш соатларда -- қахвахонада, чойхонада, клубда ўз фойдангизни, ўзингизни ўйлаб ва ё бошқаларни ранжитиш мақсадида тўғриликдан айрилганингиз хусусларини бир-бир ёзинг. Қалай? Натижа сизга бир нелар сўйламоқдами?

«Яхшиман, яхшиликдан бошқа бир иш қўлимдан келмайди: кимсага ёмонлигим йўқ» деганингиз ва шундай ўйлардингиз, шунга ишонардингиз. Сўнгги 24, 48, 72 соат ичида кимга яхшилик, кимга ёмонлик қилдингиз? Шуларни ёзинг-да, ўз-ўзингиз билан бир ҳисоблашинг. Ёмонлик недир? Аввало шунинг маъносига етасизми? Шуларга жавоб битинг. Тангрига ишониш, ундан қўрқиш, жасорат, ички тозалик, ташқи тозалик, назокат, шафқат, марҳамат, ёрдамсеварлик, кичик кўнгиллик каби мавзуларда ҳам фикр юритиб, ёзиб, ўз-ўзингизни текшириб кўринг. Натижа сизнинг бахтли бўлмаганингиз сабабини очиб беради.

***

Саодат манбаи табиатдадир. Бугунги яшаш тарзи, шаҳарларга тиқилиб қолган инсонларга бу манбадан фойдаланиб, руҳларини чайиб-тозалаш имкони ва фурсатини бермайди. Бир ўйлаб кўринг: қуёшнинг чиқишини ёки ботишини тўя-тўя томоша қилмаганингизга қанча бўлди? Овлоқ жойларда рангин капалакчанинг учишини энг охирги марта қачон кўргандингиз? Тотли бир эпкиннинг олтин бошоқларни тебратиб, тўлқинлантириб чиқарган товушини эшитганингиздан бери неча йиллар ўтди?

Чарчаган кишилар учун табиатга қайтиш, гўзал ерларни кўришдан ортиқ даво йўқдир. Йўлда кетаётганингизда, теваракдаги табиий гўзалликларни бир он бўлса-да тўхтаб, томоша қилишга аслида вақтингиз етарли. Шу ишни қилмасангиз, демак, билингки, яшаш завқини унутган бир даражада чарчагансиз. Дарҳол табиатга қайтинг ва тин олинг!

Самуэл Жўнсўннинг айтишича, табиатдан айрилиш бахтдан айрилишдир. Табиатни севган инсон яшашни севади, ҳаётдан завқ олади. Хенрих Хейне бу ҳақиқатни шундай ифодалаган: «табиатни томоша қилаётган кишининг кўнглида ишқ бўлмаса, унинг кўз ўнгида бутун тирик табиат ўлик бир манзара касб этади: қуёш -- қанчадир чақирим узоқликдаги бир юлдуз, оғочлар -- ёқиб, иситишга ишлатиладиган бир нарса, чечаклар -- ўсиб ётган бир кўкат: сув ҳам оқиб ётган, ювинадиган бир не ва бошқалар».

Қуёшга, табиатга, коинотга шу кўз билан боқувчи кимсанинг ичида бахтлилик туйғуси бўлади дейсизми?

***

Биз яшаётган бу давр техника асридир. Инсон ойга оёқ босди. Фазо, кўк юзи кашф этилмоқда. Ракеталар фақат ўлкаларга эмас, балки бутун дунёга таҳдид солмоқда. Бу чоғда ахлоқ ёки маънавий қадриятлар йўқолгандай, йўқотилаётгандай кўринса-да, ойга учган астронавтларнинг Тангрига сиғиниб, дуо қилганлари кишига яна умид беради. Маънавий борлиқларни йўқотувчи техника даври кишиликка фақат бахтсизлик келтиради холос.

Техника тараққиёти натижасида яшашдаги ўзгаришлар, юксалишлар бўлди, бунга қарама-қарши ўлароқ бузилаётган маънавиятнинг тузатилиши, тикланишини талаб этадиган аччиқ ҳаётий эҳтиёжлар ҳам кўпаймоқда. Бу чоғнинг инсони ҳам саодатни ахтараркан, ақл ва мантиқ йўлидан шошмай бормоққа, маънавий борлиқларга қиймат бермоққа мажбурдир. Дунёни янада яхши, янада бой, янада бахтли қилмоқ учун интилиш ҳар бир ўлкада давом этмоқда. Кишилик яшаркан, бу кураш ҳар доим бўлаверади. Фақат дунёдаги яраш, қардошлик, дунёвий бахт қуруқ моддий эҳтиёжларнинг таъмин этилиши билан ҳосил бўлмайди. Маънавий борлиқлар, ҳар миллатнинг кўнгил бойликлари оламда кенг тарқалиши, тан олиниши керак. Омманинг моддий эҳтиёжлари қондирилар экан, миллатнинг руҳи, маънавий эҳтиёжларини ҳам ўйлаши шарт. Маънавий борлиқдан айрилган бир дунё -- кишини техникага тутқун эттирган жуда кенг, улкан, бахтсиз бир қамоқдир. Бахтлилик маънавийдир, руҳийдир, қалбдадир, ичдан, теранликдан келган қутлуғ борлиқдир.

Туркчадан Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

қисиши, юрак уришининг секинлашиши, томир тортиши пайдо бўлади, нафас олиш тўхтайди. Синиль кислотаси гемоглобинни емиради ва марказий асаб тизимини ишдан чиқаради.

Цианидлар гуруҳидаги заҳарлар (цианистик калий)дан учинчи рейх раҳбарлари 1945 йилда асирларни қириб ташлаш учун фойдаланган.

«БАКСГА» НАВБАТДА ТУРУВЧИЛАР

Голландиялик профессор Роб Клевен республика раҳбариятининг таклифига биноан шошилинч равишда Бишкекка учиб келди.

Заҳарланиш тўғрисидаги маълумотлар атайлаб камайтириб кўрсатилган, маҳаллий аҳоли фақат жаҳонга машҳур мутахассисгагина ишонар эди. Профессор Иссиққўлдан ва заҳарланган доирадаги барча дарёлар ва ирмоқлардан сув намунасини олди. Пробиркаларга солиб, текшириш учун Голландияга олиб кетди. Текширишнинг узил-кесил натижалари шу ҳафтанинг охирида эълон қилинади, лекин тезкор текшириш Иссиққўлдаги цианитлар миқдори ҳозирнинг ўзидаёқ йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан ортиқ эмаслигини кўрсатди. Ҳавода синиль кислотаси буғлари топилмади, лекин заҳарланган ариқлар суви билан суғорилган тупроқ ҳали анчагача хавфли бўлиб туради. Роб Клевеннинг тавсиясига биноан Фавқулодда ҳолатлар бўйича вазирликнинг маҳсус отрядлари 9 гектар ерда тупроқнинг устки қатламини олиб, олтин конидаги махсус жойга кўмиб ташлайди. Айни пайтда боғлардаги мевали дарахтлар кўчирилиб ташланади.

Экологик фожианинг айбдори — «Қумтор оперейтинг» Қирғизистон — Канада қўшма корхонаси деҳқонларга етказилган зарарни қоплашни ўз зиммасига олмоқда. Қўшма корхона соғлиғини йўқотгани учун жабрланган қишлоқнинг катта ёшдаги ҳар бир кишисига минг сом (50 доллар), болаларга эса икки баробар кам пул тўлайди.

Барсқаун қишлоғидаги ишсизлар учун бу компенсация омаднинг келиши. Бундан ташқари қишлоқда ниҳоят замонавий сув қувури ва асфальт ётқизилган йўл пайдо бўлади. Қирғизистон учун мисли кўрилмаган имтиёздан хабар топган атрофдаги қишлоқларнинг гўёки экологик фалокатдан жабрланган аҳолиси «Қумтор» идорасига ёпирилиб кела бошлади. Лекин уларни рад этишди — голландиялик профессор заҳарланган жойни аниқ белгилаб берди.

ИССИҚҚЎЛНИ АСРАБ ҚОЛДИ

КИСЛОТАСИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНДИ

КИЧКИНА ДЕМАНГ, КУЧИГА ҚАРАНГ

Ҳарбий дарсликларда жанг шароитида синиль кислотаси билан заҳарланиш оқибатлари батафсил тасвирланган. Маълум бўлишича, бу кузатишлар Қирғизистоннинг фуқаро аҳолиси учун мутлақо яроқсиз экан. Ялпи ишсизлик шароитида қирғизлар ўша синиль кислота билан заҳарланиши мумкин бўлган олтинни қайта ишлаш комбинатида ишга жойлашишни ўзлари учун бахт, деб биладилар.

Биринчи марта одамлар бундай кенг кўламда заҳарланди.

Маҳаллий шифокорлар заҳарланишнинг барча оқибатларини олдиндан айтиб бера олмайдилар. Ҳозирча улар Барсқаун аҳолиси орасида барча сурункали касалликлар кучайиши мумкинлигини айтишмоқда. Саломатлигидан маҳрум бўлишнинг баҳоси наҳотки 50 доллар бўлса.

Иссиққўлда тез орада курорт мавсуми очилади. Лекин голландиялик профессорнинг ишонтиришларига қарамай, санаторийлар ва дам олиш уйлари ҳувуллаб қолади. Республикага етказилган зарар ҳозирнинг ўзидаёқ 130 миллион сом деб баҳоланмоқда. Лекин ағдарилган контейнердан келган ҳақиқий зарарни ҳеч қандай профессор ҳисоблаб бера олмайди.

Елизавета МАЕТНАЯ.
(«Комсомольская правда» газетасининг 1998 йил 3 июнь сонидан)

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм. 4-серия
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.40 «Ҳамма кўриши шарт эмас...» Мусиқий дам олиш дастури.
11.30 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
12.05 «Жаҳон спорти».
12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.40 Кундузги сеанс. «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
14.10—14.35 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топилмалар идораси».Мультфильм.
18.20 «Шукуҳ».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Турсунбой Парпиев концерти.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.50 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
22.20 М.Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 10-қўй.
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Навбаҳор» (Наманган).
23.45 «Ахборот».
00.10-00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфуплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.00 «Олтин мерос».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон-Ватаним маним». Ўзбекистон республикаси ИИВ ходимларининг мустақилликнинг 7 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлари кўрик — танлови якунлари.
21.25 Экранда премьера. «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
22.10 «ДЭНС». Жаҳон рақслари.
22.25 Даракчи (рус.тилида).
22.35 15 дақиқа спорт ҳақида.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.45—23.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
17.20 — 20.40

*

20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.

***

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Сўнгги қабила». Бадиий фильм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.05 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон». «Дидар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.00 «Намастэ».
21.20 «Умр баҳори».
21.35 «Спорт тайм».
22.10 Кинематограф. «Дарбадар автобус».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шаҳрисабз».
8.55 «Биржа ва банк хабарлари».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм. 5-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий публицистик кўрсатув.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Математика.

*

12.05 Болалар учун «Мактублар — кабутарлар».
12.35 «Олам ва одам».
12.55 Ўзбек қўйларидан концерт.
13.25 «Қонун ва биз».
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — МҲСК.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнгирокча».
18.25 «Эл тинчлиги йўлида».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қиёфа».
21.30 «Акс-садо».
22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. «Эстрада қўшиқлари телетанлови». Экранда — Жиззах вилояти.
23.05 XVI Жаҳон чемпионати олдидан. «Футбол тарихи».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мультфуплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.10 «Тошкентнома».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Очун».
20.20 «Шарқ эстрадаси».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.10 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 Спорт қитъаси.
22.35 Кундалик.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ.
00.30—00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00

*

17.20 — 20.40

*

20.40 «Кашф этилмаган сирлар олами». Телекўрсатув.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Каролина Лем хоним». Бадиий фильм. 1-серия.
22.35 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
23.05—23.25 «Ахборот (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Дилдан суҳбат». Чингиз Айтматов.
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 22.05 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Мусиқий лавҳа».
20.50 «Янги иқтисод».
21.10 Мусиқий лавҳа.
21.15 ТВ IVда немис тўлқини.
21.35 Телефакт.
21.45 Хит-коллекция.
22.10 «Қувноқ кино».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Лирик тароналар.
8.55 «Сиҳат — саломатлик» почтаси.
9.20 «Баҳодир шоҳ Зафар» Телевизион бадиий фильм. 1 серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Биология.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
12.05 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.25 «Акс-садо».
12.55 Кундузги сеанс. «Жонли камалак». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Ҳуқуқингизни биласизми?».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қўённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.45 «Кафолат».
19.00 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 1. «Сиз ва биз». «Ёшлар» телеканали:
2. «Газалхон ёшлигим».
22.05 Футбол бўйича XVI Жаҳон чемпионатининг очилиши.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 11-қўй.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Газал соғинчи».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадон».
21.20 «Бангкок — «Хилтон». Телесериал.
22.05 «Нигох».
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Экранда — детектив.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
21.55 «Каролина Лем хоним». Бадиий фильм. 2-серия.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Елқин».
20.50 «Эзгулик достони».
21.10 «Азизим».
21.35 «Автосалтанат».
21.45 «Дурдаршан».
22.20 Олтин хазина. «Афандининг беш хотини». Видеофильм.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янграсин шўх яллалар».
9.15 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жараён». Тележурнал.
10.35 Абитуриентлар, Сизлар учун! Она тили.
11.00 Янги алифбони урганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.

*

12.05 «Жавоҳирлар бустони». Адабий кўрсатув.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10-14.30 «Буни умр дерлар». Телеочерк.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шоирлар-болаларга». Наримон Орифжонов.
18.30 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Ёзув столидан репортаж».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таянч нуқтаси».
21.20 «Санъат усталарининг концерти».
22.00 «Битик».
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфуплам.
18.30 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.20 «Даракчи» (рус тилида).
21.30 Оҳанглар ва эълонлар.
21.40 Майкл Дуглас «Ўйин» фильмида.
23.45 Аквариум.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пойтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00

*

17.20 — 20.40

*

20.40 «Қадр кечаси». Имом-ал-Бухорий таваллудига бағишлов.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Сурхон тонги». Телефильм.
22.00 Экранда — комедия. «Полиция академияси».
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Минг бир маслаҳат».
20.50 Дўстим ҳақида.
21.05, 22.55 — Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.55 «Сотиб олинг ва ютинг».
22.15 «ТВ ташриф».
22.35 Ҳаммаси мода ҳақида.
23.00 «Киносалон».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Экранда — Тошкент вилояти.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Абитуриентлар, Сизлар учун! Кимё.
10.55 Немис тили.
11.25 «Келажагимиз ворислари».
11.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
12.05 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
12.35 «Меҳр макони».
12.55 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-серия.
14.10—14.30 «Маърифат маскани».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Шеър ва шуур».
18.45 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
19.05 «Элимнинг боласиман». Ташпулат Маткаримов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ўйна, болажон ўйна».
18.30 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.15 Нозик мўъжиза.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Акс».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Бангкок — «Хилтон». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Бокс. Бокс. Бокс.
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Саргузашт фильмлар экрани.
23.35 Чет эл эстрадаси.
23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. Танаффус пойтида — «Франция-98» кундалиги.
02.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.05 Киноафиша.
17.10 Янгиликлар.
17.15 Болалар учун. «Бинафша».

*

Россия жамоат телевиденнеси
7.30 — 9.00

*

17.35 — 20.40

*

20.40 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
21.25 «Эверест—98».

*

Россия давлат телевиденнеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 Оскар совриндорлари: «Мистер Дидс шаҳарга келяпти» (1936 йил). Бадиий фильм.
00.15—00.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Футбол. XVI жаҳон чемпионати.
20.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.55, 22.55 — Эълонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Наволарда аён этсам».
22.05 «Ўй остонадан бошланади».
22.35 «Дурдаршан».
23.00 Кинематограф. «Халқа».
00.30 — 00.40 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Шоҳруҳ клуби».
9.30 «Ўйла, изла, топ». Телебеллашув.
10.10 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.30 «Ёшлар» телеканали:
1. «Билим-ринг».
2. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
3. «Мен билган, билмаган дунё».
4. «Байрам» гуруҳи.
12.05 «Ҳазрати инсон».
12.20 Кундузги сеанс. «Олтин занжир». Бадиий фильм.
13.45 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.15—15.45 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Оқшом эртаклари».
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқий саёҳат».
21.25 ЎзТВ экранида биринчи марта ўзбек тилида «Чолиқуши».

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 6 iyun, shanba № 67 (22.304).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шарқ тилларини ўқитишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Н. Иброҳимов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг филология фанлари доктори А. Маннопов, филология фанлари номзоди Р. Иномхўжаев, Қурияшунослик кафедраси мудири, доцент Ким Мун Ун ва бошқалар таълимни ислоҳ қилиш, замон талабларига жавоб берадиган даражада ўқув жараёнларини олиб бориш тўғрисида атрофлича фикр юритдилар.

Икки кун мобайнида қизғин баҳсларга сабаб бўлган семинар-кенгаш ҳар галгидан жонли ва мазмунли ўтди.

Ғайрат БЕК

ТОҒЛАРДАН ҚАЙТАДИ ДЎМБИРА ОВОЗИ

Жилвакор оламнинг бетакрор гўшасида тун қўйнига ёғду сочиб бир куй таралмоқда. Бир куйки, оҳангида Бойчиборнинг туёғидан сачраган чақин, Барчиной рухсорида ой аксин топган лаҳзаларда Алпомишнинг кўксини тоғ каби кўтарган юрак ўртар шеърга йўғрилган бахшиёна куй.

Азим Сурхон воҳасида қалам тебратаётган Ҳайдар Тўра шеъриятида юртга хос оҳанглар - тошдан тошга урилиб, сакраб, ўйноқлаб оқаётган жилғалар хониши мужассам.

... Ўзлигим ҳар ўтар онимда бордир,
Беклигим, давлатим, қонимда бордир,
Минг йиллик шарафим-шонимда бордир --
Мустақил ватаним -- Ўзбекистоним...

Ватан олий тушунча. Ҳайдар Тўра ўзининг «Муҳаббат» номли шеърий тўпламини Ватанга бахшида ашъорлар билан саҳифалайди. Унинг кўксидаги ширин дард:

Мен Самарқанд,
Бухородирман,
Исми-жисмим фарзанди Сурхон.
Мен элларга шод борадирман,
Амир Темур ўлмаган дебон --каби мағрур жаранглайди.

Шоирлик -- қисмат, кўнмоқ -- азалий ҳақиқат. Деҳқон заминга яшаш тарзи учун тирикчилик уруғини қадаса, шоир -- юксалмоқ учун замину кўкка эзгулик уруғини сочиб яшайди:

Бир чироқ ёнади уйимда,
Ёшликдан нурларин аямай.
Бир чироқ ёнади уйимда,
У менинг қалбимдир,
болакай...

Одамнинг ёши саноқ билан белгиланмайди, балки ортида қолдирган ибратли ҳаёти билан белгиланади:

Кўзламасдан отмас ўқин ҳеч бир овчи,
Ўйламасдан айтмас сўзин ҳеч бир совчи,
Мўлжал узоқ, манзил яқин, мен йўловчи,
Юриб-юриб билдим шуни, ёронлар.

Кўнгил -- баҳор ғунчасидек тароватли, райҳон иси каби роҳатбахш, қиш-қировли тонгда балқиган қўёшдек ёқимли -- агар сиз унга йўл топа билсангиз.

Ҳар кимса кўради не бўлса бошда,

Китоб — содиқ дўст

Юраклар бирлашса жон кирар тошга,
Муҳаббат савдоси боғлиқмас ёшга,
Буёғи не бўлар энди, дўхтир қиз?

Биз ушбу тўпламдан мўъжазгина парчани сиз азиз мухлисларга ҳавола этдик. Агар сизнинг кўнглингизда-да илиқлик уйғота олган бўлсак, бу -- Ҳайдар Тўранинг хизмати.

Баҳорда
Сой бўйида,
Мажнунтол қучоғида,
Бўсалар оғушида.
Тўлин ойга тўй бўлди...

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

ҚАДРДОН ДАРГОҲ

«Шогирдларим, йўлларингиз доимо оқ бўлсин, қалбларингиз поклик нурига тўлсин, мустақил ҳаётга қўяётган қадамларингиз қутлуғ бўлсин! Азиз дилбандларим, ўқувчиларим! Ўсиб, улғайинглар, элу юрт учун керакли инсон бўлинглар», деган эди бундан 20 йил муқаддам устозларимиз Мусина Жалилова ва Пўлат Зокиров. Устозларнинг бу меҳнати бесамара бўлмади. Шогирдлар қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар мустақил юртимиз учун жон куйдириб меҳнат қилаётган ажойиб инсонлар бўлиб етишдилар. Сиз хоҳлагандек, сиз тарбия бергандек, ўз касбларининг моҳир эгаси бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб, шогирд деган шарафли номга лойиқ инсонлар бўлдилар.

Не бахтки, мустақиллик нашидасини тотмоқдамиз. Фан ва техника кун сайин ривожланмоқда. Техника, компьютер кириб бормаган соҳа йўқ, ривожланишлар даврида яшамоқдамиз. Бошқа касб, бошқа соҳаларни билмадим-у, лекин ҳеч қандай техника, ҳеч қандай робот ўқитувчи вазифасини бажара олмайди. Жуда оғир ва масъулиятли бўлган бу касбнинг энг нозик томони, ўқитувчи бола қалбига эзгулик уруғини сепади. Буни эса, ҳеч қандай техника эплай олмайди. Эзгулик, меҳр-оқибат, муҳаббат ва самимият борки, ҳаёт бор. Бу ноёб фазилатларни боланинг беғубор қалбида ундирадиган ҳам ўқитувчидир.

Шундай бахтли кунларда орамизда бўлмаса ҳам, қалбимиз тўрида бўлган марҳум устозларимиз Маърифат Орзиқулова, Ботир Бақахонов, Равшан Холиқов, Файзираҳмон Ҳасанов номларини ёд этиб, Оллоҳ раҳматига олгани чин бўлсин, деймиз.

Сайёра ҲАМДАМОВА,
Жиззах Давлат муаллимлар тайёрлаш институтининг катта ўқитувчиси

«МАҚОЛ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу ўйланма ўзбек халқ мақоллари асосида тузилган. Улар шаклдаги рақамли хоналарга белгиланган йўналиш бўйича ёзилиб ҳал этилади. Мақолларга оид билимингизни синаб кўринг.

Ёйлар бўйича:

1. Зар қадрини ... билади. 4. ... майдонда билинади. 5. Меҳнатдан ... ортар. 6. Бесабаб оёққа ... кирмас. 9. Бирлашган тоғни ... қилар. 10. ... ош бўлмас, нодон бош бўлмас. 11. ... пул қарчиғай. 12. Жоҳилликдан жон чиқар, Қобилликдан ... чиқар.

Бўйига:

2. ... ақл, она идрок. 3. Бирлик йўқ, ... йўқ. 7. Азоб кўрмай, ... йўқ. 13. Она юртинг, ... бешигинг. 15. Эл соғлиги, ... бойлиги. 16. Юрган дарё, ўтирган ... 17. Ўтлоқда бедана кўп, дангасада ... 18. Оч қорним, ... қулоғим. 19. ... ғойибдан эмас, меҳнатдан. 21. Чумчуқдан қўрққан ... экмас. 22. ... ўрган, кейин ўргат. 28. Кўз қўрқоқ, қўл ... 29. Минг ширин насиҳатдан, битта ... яхши. 30. Ер хазина, меҳнат ... 32. Таъна қилма, ... қил. 33. ... бўлмаса дарахтнинг боши қимирламас. 34. Кўклам меҳнати билан ... 35. Шошганда ... топилмас.

Энига:

8. Ишга ..., ошга тайёр. 17. Ота-она тахт этар ... эта билмас. 24. Кенгашли ... тарқамас. 26. Бир деҳқон ... билан, еттовлон чўмич билан. 27. ... экинингни ясат. 32. Мевали дарахтга ... тегар. 34. Кўпнинг ризқи -- ... 36. Гапни ... сўзла, ишни кўп кўзла. 39. Қари билганни ... билмас. 40. Кўпдан кўп ... чиқар.

Юқоридан паст томон чапга:

14. Минг қўшчига бир ... 20. Дўстлик ипини узма, уласанг ... қолар. 22. Айрилганни ... ер, бўлинганни бўри ер. 29. Гап билан ... ўриш осон. 31. Юнг оламан десанг, жайдари, бой бўламан десанг, ... 36. Бургага аччиқ қилиб, ...



қуйдирма.

Юқоридан паст томон ўнга:

23. ... бедарвоза эмас. 25. ... адоватнинг қўшниси.

28. Ер қазимасанг, олтин чиқмас, қармоқ солмасанг ... 37. ... минг дардга даво. 38. Беришда бир сина ... -- икки.

Энди жавоб сўзлари асосида қуйидаги рақамлар жуфтида яширинган (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади), топшириқни ҳал этинг. Ундан яна бир ибратли мақол аён бўлади.

3-1, 6-2, 9-3, 13-4, 4-1. - 30-6, 20-2, 18-4, 27-4, 40-1, 34-1, 37-2, 14-1, 28-1, 31-2, 30-4, 39-4, 33-3, 11-4, 23-2.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

ТОЗАЛИК – СОҒЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида Бутун дунё атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда экологик жамоат ташкилотлари ва оммавий-ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Табиатнинг барқарорлиги, сўлим ва беғуборлиги жамият миқёсида муҳим аҳамият касб этади. Инсон саломатлигини асраш атроф-муҳит тозалигини сақлашга боғлиқ. Жамоат жойларида, марказий кўчаларда турли хилдаги ташландиқ буюмларнинг, маҳсулотларнинг сочилиб ётиши, айниқса, болалар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Тиббиёт шахобчаларига мурожаат қилаётганлар орасида балоғатга етмаган ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Арзимаган яра-чақаларнинг тезликда иллат боғлаб, йиринглаб кетишига атроф-муҳитнинг ифлослиги, ахлат сақланадиган темир қутилардан чиқаётган бадбўй, микроб ташувчи ҳидларнинг ҳаво орқали организмга сингиши сабаб бўлмоқда. Пишиқчилик мавсуми бошланаётган ҳозирги пайтда болаларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак. Айниқса жамоатчиликнинг эътиборсизлиги натижасида аҳоли истиқомат қиладиган гавжум жойларда турли хилдаги ўлакса ҳайвон, паррандаларнинг очиқ ётиши жуда хавфли, ҳар хил касалликни тез тарқатувчи манба ҳисобланади.

Инсоннинг умргузоронлик қилиши учун берилган ҳаёт деган фалсафанинг мазмун - моҳияти атрофимиздаги барча нарсаларга узвий боғлиқ эканлиги анжуманда таъкидлаб ўтилди.

Спорт

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

ТЕННИС. Пойтахтнинг «Динамо» ўйингоҳида бир неча кундан бери давом этаётган халқаро аёллар «Челленжер» турнири эртага якунланади. Учинчи марта уюштирилган бу галги мусобақада 22 мамлакатдан келган моҳир теннисчилар ўзаро баҳслашмоқдалар. Мутахассисларнинг фикрига қараганда японияли Харука Иноуе, Австралиядан Аннабель Иллвуд, бельгиялик Дафни Ван Де Занде, Колумбиядан Фабиола Зулуагалар ғолибликка асосий даъвогар бўлиб туришибди. Ўзбекистонлик теннисчилар ҳам имкониятлари даражасида баҳслашиб, мухлису мутахассислар эътиборини қозонишмоқда. Хусусан, Лиля Биктякова латвиялик Елена Крутковга икки бора ютқазиб, бир бор ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Ирода Тўлаганова билан белорус Татьяна Поутечек -- Лиля Биктякова билан Ирина Коссенко жуфтлиги баҳси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бунда Ирода билан Татьянанинг қўли баланд келди.

ЗАРБИЗЎРЛАР КЎРИГИ

БОКС. Бугун Тошкентдаги «Юнусобод» спорт кошонасида ўрнатилган халқаро рингда профессионал боксчилар жанги ўтказилади. Мухлислар Берлиндаги «Лок Мите» клубида маҳорат оширган бухоролик Фурқат Турсунов билан россиялик боксчи Сергей Королёвнинг Осиё «Олтин камари» учун ўзаро учрашувининг шоҳиди бўладилар. Бундан ташқари, ишқибозлар боксчиларимиздан Фарҳод Арслонов билан қозоқ Серик Ешматабетов, Фарҳод Бакиров билан россиялик Александр Переводчиков, Рихси Шомирзаев билан украин Виталий Копитко, Уйғун Сиддиқов билан молдован Виталий Корданяну учрашувларини томоша қиладилар.

«НАВРЎЗИЙ МУШОИРА» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Очқич сўзлар: *1. Ҳуррият. 2. Чўпон. Бойчечак. 3. Партав. Қуёш. 4. Бодом. 5. Дилафрўз. 6. Туркистон. 7. Гул.*

Қутлангиз Наврўз — шарафли янги йил келмоқдадир.
Гул қучоқлаб офтоб ҳам заркокил келмоқдадир.
Вақт аталмиш бепоён уммон —азалдир ҳам абад,
Бир-бирин айлаб давом йил муттасил келмоқдадир.

«Дилларга дил келмоқдадир» *шеъридан.*

Танишинг, билағонлар: *Ғазалкентдан* ***Тожиевой Вакилов,*** *Касби туманидан* ***Зебо Турсунова, Форишдан Обид Тошпўлатов*** *билан* ***Яшин Қобилов,*** *Ғузордан* ***Жасур Курбоновлар*** *«Наврўзий мушоира» ўйланмасига тўғри жавоб топишган.*

Тадбиркор, ишбилармон жаноблар, савдо шаҳобчаларининг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҚ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Сизларни барчаингизни ўлкамизга кириб келган ёз фасли билан самимий муборакбод этиб, жазирама кунларда ўзимизнинг лаззатли, муздеккина музқаймоқларимизни улгуржи сотиб олишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу корхонадан сариёғли, қаймоқли, шоколадли, мевали ва бошқа турдаги музқаймоқларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва тотли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Маълумот учун телефонлар: 93-35-12, 93-34-34, 93-09-47, 91-30-17.

«ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНА» ОТҲЖ

3-4 мм қалинликдаги 400x500 ммдан 1100x1600 ммгача ўлчамдаги дераза ойналарини бозордан арзон нархда ҳеч қандай чекловсиз

СОТАДИ

Алоқа телефонлари: 28-234, 28-451, 21-735

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар посёлкаси, Фурқат кўчаси, 102

ТАШКИЛОТ

Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган пиёз маҳсулотини солишга мўлжалланган **ТЎР СЕТКАЛАРНИ СОТАДИ**

Манзил: Алмати шаҳри, телефон: код (3272) 31-29-69.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги масъулияти чекланган жамият «Фарида» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 78-13-68 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО, навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27543 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 080

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА